ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

18 (400)

2004 йил 5 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Фронтда "топишган" отаю ўғил
- Номи ўчсин унинг — урушнинг!

3
- Ноз-неъматлар ва ...сўз исроф бўлмасин!
- Жўжага тўрт оёқ не керак?

4
- Юракларга кўмилган шоир
- Маматбой хат олди ...хотинидан!

2-саҳифада

Ислом КАРИМОВ:

Муҳтарам юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли ота-оналаримизга, эл-юрт манфаати йўлида жуда катта иш қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, ўқитувчи ва мураббийларимиз, муҳтарам уламоларимизга, бутун жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман.

Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа — аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги нутқидан

СУРАТДА: Абдулла Сайдалиев (ўнгдан биринчи) қуролдош-маҳалладошлари даврасида. Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

9 май — хотира ва ҳадрлаш куни

СОБИҚ ЖАНГЧИ - МУЗЕЙ ТАШКИЛОТЧИСИ...

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Убай Мусаев номли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Кенг-кичик маҳалласида ўнлаб уруш ва меҳнат фахрийлари умргузаронлик қилишади. Улар кексаликларига қарамай, ғайрат-шижоатда маҳалла ёшларига ўрнак, маслаҳатдошлар. Абдулла Сайдалиев урушдан кейин кўп йиллар маориф соҳасида меҳнат қилган эл-юрт юмушига фидойи инсон. У - Халқ маорифи аълочиси унвони соҳиби ҳам. Бугун ҳам Абдулла ака маҳалладаги кўплаб хайрли, ибратли тадбирларга бошқош, ҳар ишда маҳалла оқсоқоли А.Бобохоновнинг маслақдоши. Шунингдек, маҳаллада Хотира музейининг ташкил этилишида ҳам Абдулла ака ташаббускор бўлган экан. Бугун қишлоқдаги барча маҳаллалар ёшларига ота-боболари босиб ўтган шонли ва суронли йиллардан ҳикоя қилувчи ушбу музей экспонатларини бойитишдан тортиб унга кўриқлашгача ғайрати сўнмас Абдулла аканинг зиммасида.

Қуролдош-маҳалладош дўстлар бу музейда тез-тез дийдорлашиб, жангу жадаллар, осойишта йиллардаги ҳаётларини хотирлаб, ўтганларни ёд этадилар.

2-саҳифада

ЮРТИМИЗ ҲАМ, ХАЛҚИМИЗ ҲАМ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамоқда. Бир томондан, илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормоқда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар рўй бераётгани,халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг аччиқ ҳақиқатидир.

Бундан бир ой аввал мамлакатимиз пойтахтида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган, бир қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган фожиали воқеалар ҳам бу ёвуз балонинг яна бир манфур намойишидир. Биз терроризм қурбони бўлган ана шу инсонларнинг, ёвуз кучларга кўксини қалқон қилиб, Ватанимиз хавфсизлиги, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётини асраш йўлида жонини фидо этган тинчлик посбонларининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Бу юртдошларимизнинг номлари ва хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Ушбу мудҳиш ҳодиса рўй берган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, зудлик билан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани қўпорувчи кучларнинг пайини қирқиш, яна қанча ёвузликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини берди.

Биз — халқ ишонч билдириб сайлаган ва унинг хоҳиш-ирода-сини ифода этувчи Олий Мажлис депутатлари бу қабиҳ хуружни Ўзбекистондаги барқарорликни кўролмайдиган сиёсий кучлар ва халқаро экстремистик марказлар томонидан эл тинчлигини бузиш, одамларнинг юрагига ғулғула ва ваҳима солиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган ишончини сўндириш, халқимиз танлаган демократик тараққиёт йўлига ғов бўлиш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, деб баҳолаймиз ва кескин қоралаймиз.

Республиканинг шаҳар-қишлоқларида, маҳалла ва турар жойларда сайловчилар билан бўлган учрашувларда билдирилган фикрларга суяниб, биз шуни қатъият билан айта оламизки, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жипслашишга, юртимизга қўл кўтарган разил кимсаларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга чақирамиз. Бебаҳо бойлигимиз бўлмиш фуқаролар аҳиллиги ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш — ҳар қандай ёвуз кучларнинг хуружига қарши бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун барчамиз ҳамиша ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик жаҳолатига, дин ниқоби остидаги бузғунчилик кўринишларига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этиш, асрашни муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб айтамизки, муборак заминимизда бундай ёвузлик ва қабоҳатга йўл қўймаслик учун шу юртда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон бевосита масъулдир.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт ғояларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Ишонамизки, кўпни кўрган уруш ва меҳнат фахрийлари, машаққатли синовларда мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт ободлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилиги, таълим даргоҳларидаги устоз ва мураббийлар, маданият ва санъат намояндалари, уламоларимиз мамлакат тинчлигини сақлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг даҳшатли хавфини очиб беришга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Биз келажагимиз тимсоли бўлган ёшларни мана шу таҳликали ва мураккаб замонда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фаол гражданлик позициясини намоён этишга, халқимиз машаққатли меҳнат билан эришаётган ютуқларни қадрлашга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этамиз.

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гўзал ва бетакрор диёримизда тинч-тотув яшаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча юртдошларимизни, жамики нияти пок, дунёқараши соғлом кишиларни террорчилик ва экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳамжиҳат бўлишга чақиради. Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан, ўз халқига озод ва фаровон турмуш шароити яратиб бериш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган.

ОТА-ОНА АДАШСА, ФАРЗАНД АЛДАНАДИ

Бугун умумий таълим мактаблари педагогик жамоаларининг оила, маҳалла билан ҳамкорлиги ҳақида жуда кўп гапирилади ва бу борада тўпланган талайгина тажрибалар ўз самарасини ҳам бермоқда. Айниқса, мактабларнинг 9-синфини битириб, муаллақ қолган, яъни на бир касбга оид ўқув масканида, на ўрта мактабда ўқишни давом эттира олмаган болалар келажагини тўғри йўлга солиш масалаласида бундай ҳамкорликнинг ўрни жуда сезиларли. Бу ўринда мактаб жамоасининг зиммасидан ҳеч бир масъулиятни соқит қилмаган ҳолда, маҳалла-кўй, айниқса, оила олдида катта вазифалар турганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Аммо бу вазифалар улар томонидан ҳар доим ҳам етарли даражада бажарилаяпти деб бўлмайди.

Мактаб жамоаси бундай болаларни мактабда ўқишни давом эттиришга жалб қилади. Ёки уларни турли касбга оид масканларга киришига йўл-йўриқ беради, ишга жойлаштириш чораларини ўйлайди. Хўш, шу жараённи мактабнинг бир ўқитувчиси ёки мактаб раҳбари бажара оладими? Агар оила, маҳалла бу ишга ҳамкор бўлса, бажара олади, бўлмаса йўқ. Афсуски, баъзи оилалар бу пайтда педагогик жамоа аъзоларига кўмак бериш ўрнига бепарво бўладилар, ҳатто халақит берадилар, қатъий қаршилик кўрсатадилар. Баъзан эса, "боламизнинг тақдири билан нима ишингиз бор", деган жавобни айтишдан ҳам андиша қилмайдилар. Натижада не-не режалар билан борган педагог бу ҳовлидан беҳафсала чиқади. Эртага эса, бошқа бир ана шундай оила эшигини тақиллатишга ҳам кўнгли тортмайди. Ўз касбидан кўнгли совийди. Ота-онанинг ўз фарзанди таълим-тарбияси, тақдири, келажаги ҳақида қайғураётган педагогга бундай бефарқ ва ҳатто қўпол муносабати шу педагог кўнглидан "менга нима", деган хулоса кечишига сабаб бўлмайдими? Бундай ота-оналар фарзандларининг кўча-кўйда вақтинчалик ишлар билан бандлиги, баъзан тасодифан қўлига тушган даромадидан қаноат ҳосил қилиб, ҳатто уни қўллаб-қувватлаб, ўзларига таскин бериб юрадилар. Афсуски, мамлакатимиз ҳаётида кейинги пайтда кечган кўнгилсиз воқеалар иштирокчилари бўлиб қолган баъзи ёшларимизнинг ҳам ота-оналари ёки яқинлари фарзанднинг ана шундай даромадларига ишониб алданиб юргани маълум бўлди.

Фарзандларимиз тақдирида адашмайлик, ота-оналар.

Мавжуда ЙЎЛДОШБЕКОВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 148-умумтаълим мактаби директори.

● Расмий хабар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ўн саккиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва А.Азизхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 3 май

МАРАФОН

у спортни ривожлантиришга хизмат қилади

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мазкур тадбирга бағишлаб марафон ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Куни кеча мазкур марафонни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова раислик қилди ва кун тартибидаги масала юзасидан олдинда турган вазифалар хусусида сўзлади.

Маълумки, Халқаро оила куни бутун дунёда кенг нишонланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу кунга бағишлаб турли тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан Халқаро Оила куни муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудларида марафон ўтказиш таклиф этилди.

Марафон ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида спортнинг барча турларига қизиқишни янада кучайтириш, оилавий спортни ривожлантириш, маҳаллаларда спортга қизиқувчан оилаларни аниқлаб, уларни рағбатлантириш, шундай оилалар сонини янада кўпайтириш кабилардан иборатдир.

Марафон Низомига кўра мусобақалар 2 босқичда ўтказилади. 1-босқич 10 майдан - 20 майгача туман (шаҳар)ларда бўлиб ўтади. Ушбу босқичда 1-3-ўринларни эгаллаганлар 20 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғолиблиги учун куч синашишади.

Шунингдек, Халқаро Оила кунига бағишлаб, «Эл-юрт тинчлиги ва саломатлиги учун» байрами тадбир-режалари ҳам ишлаб чиқилади.

Ўз мухбиримиз.

Обуна-2004

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Газета ўқиб туринг, — дейди.

● Жамғарма тизими фаолиятидан

Сурхондарё вилояти

БЎЛИНМАЛАР БИРЛАШДИ

бундан фаолият самара кўради, дейишди йиғилиш қатнашчилари

Денов тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман ва шаҳар бўлинмалари фаолиятида бошқарувни такомиллаштириш мақсадида жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмаларини бирлаштириш фикри ўртага ташланган эди.

Яқинда шу масала юзасидан Денов тумани ҳокимиятида ташкилий комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан Сурхондарё вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси муовини М.Эргашев ушбу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмаларини бирлаштириш фикри маъқулланди ва тадбир қатнашчилари шу кунга қадар «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси бўлган Усмон Қодировни бўлинма раиси этиб сайладилар.

Гулбаҳор БЕГМАТОВА

Тошкент шаҳри

«МАҲАЛЛАМ - АҲИЛ ОИЛАМ»

Яқинда Сергели туманида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Сергели бўлими Кенгаши, туман педагог-тарбиячилар маркази ҳамкорлигида «Маҳаллам — аҳил оилам» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда туманнинг Собир Раҳимов ҳамда Шукур Бурҳонов номли маҳалла педагог-тарбиячилари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳисобот берилди. Шунингдек, йиғилишда икки маҳалла ёшлари яратган кўргазма намойиш этилди. Кўргазмадан Шукур Бурҳонов номли маҳалланинг «Ёшлар маркази»да ташкил этилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда Собир Раҳимов номли маҳалланинг «Моҳир қўллар» тўгараги қизлари томонидан яратилган моделлар намойиши ўрин олган эди. Тадбир ниҳоясида ҳар икки маҳалла истеъдодли ёшлари иштирокидаги концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Мавлуда КАРИМОВА

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ АЙНИ ВАҚТИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА "MAHALLA"СИЗ ҚОЛМАНГ.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.

Тел/Факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АРИЭЛ ШАРОННИНГ РЕЖАСИ ЎТМАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Ғазо минтақасида яшаётган яҳудийларни тўла кўчириш режасидан воз кечди. Ўтган якшанба куни унинг ушбу режаси бўйича референдум ўтказилган эди. Унда «Ликуд» партияси аъзоларининг қарийб олтмиш фоизи ўз йўлбошчисининг режасига қарши овоз берди. Шу боис бош вазир режага ўзгартиш киритишга мажбур бўлди.

Исроилда чоп этиладиган «Гаарец» газетасининг ёзишича, куни кеча вазирлар маҳкамаси мажлисида янги режа бўйича фақат Ғазодаги Нецарим, Кфар-Даром, Мораг ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Ганим ва Кадим қишлоқларида яшаётган яҳудийлар турар-жойларини тарк этиши таъкидланган. Бу қишлоқлар ўраб олинган ва Исроил армияси қисмлари мунтазам уларни ҳимоя қилишга жалб этиб келинмоқда.

Ариэл Шароннинг дастлабки режасига кўра, Ғазодаги бошқа қишлоқлар ҳам, хусусан, минтақа жанубидаги Гуш-Катиф қишлоғи ва шимолдаги яна уч қишлоқ кўчирилиши керак эди.

Ариэл Шароннинг янги ташаббуси ҳам ҳукумат аъзолари томонидан турлича қабул қилинмоқда.

Айримларнинг таъкидлашича, яҳудийларни кўчириш Исроил-Фаластин муаммоларини бутунлай ҳал этмайди. Бунинг учун икки томонни ҳам қониқтирадиган битим имзоланиши лозим. Шунингдек, яҳудий қишлоқлари кенгаши Ариэл Шароннинг янги режасини «террорчиликни рағбатлантириш» деб изоҳлади.

Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш масаласи халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турибди. Бу борада БМТ, АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқидан иборат тўртлик «Йўл харитаси» режасини ишлаб чиққан эди. У Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишнинг энг мақбул йўли экани бот-бот такрорланмоқда.

Сешанба куни тўртлик вакиллари яна БМТ бош қароргоҳида йиғилди. Асосий мақсад Исроил ва Фаластинни «Йўл харитаси»да кўрсатилган шартларни бажаришга чақиришдан иборат. Зеро режа ҳали долзарблигини йўқотгани йўқ.

Тўртлик вакиллари Ариэл Шароннинг янги ташаббуси ҳақида фикр билдирар экан, Исроил «Йўл харитаси» режасидан чиқмагани, яҳудийларнинг Фаластин ҳудудидан олиб чиқилиши тинчлик сари ижобий силжиш эканини таъкидламоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

УРУШДА ДИЙДОРЛАШГАН ОТА ВА ЎҒИЛ

Урушда нималар бўлмайди. Ҳа, тошкентлик ота ва ўғил жанг майдонларида учрашиб қолишди

Иккинчи жаҳон уруши... Душман билан аёвсиз жанглар давом этарди. 1942 йилнинг баҳорида Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида истиқомат қилаётган Мавлуд Ғуломов ҳам кўпчилик қатори урушга сафарбар этилди.

Мавлуд Ғуломов қисқа ҳарбий тайёргарликни аввал Фарғонада, сўнг Андижон шаҳарларидаги полигонларда ўтади. Бир ҳафтадан кейин қўмондонлик буйруғига биноан улар қизил эшелонларга жойлашиб, фронт томон йўлга чиқди.

— Эшелон 10-15 дақиқага Россиядаги бир қишлоқда тўхтади,— дея эслади Мавлуд ака,— қўлларида пишириқ ва тузланган бодрингларни бизга узатиб, "олинглар, ҳаммаси сизларга", дерди ўша ерлик аёллар. Мен озуқа эвазига ёши катта аёлга пул узатдим. Аёл пулни олмасдан ҳўнграб йиғлади. Онажон нега йиғлайсиз, десам, у пешонамни, юзимни силаб "сиздек ёш, навқирон йигитлар тўла эшелонлар тез-тез ўтмоқда, фронтдан эса ярадорлар ортилган поездни онда-сонда кўраяпмиз, шунга йиғлаяпман, ўғлим", деди. Шу пайт поезд қўзғалиб йўлида давом этди. Нотаниш аёлларнинг бизларга бўлган меҳри мени ҳаяжонга солди. Поезд анча юриб оқшомда ўрмон ичида тўхтади. Фронт томондан таралган қизил шуъла осмонни ёритар, гумбирлаган овозлар эса ерни ларзага соларди. Биз шу тариқа пиёда юриб, жанг бўлаётган ерларга борардик. Шу пайт колоннага снаряд тушиб, юзлаб одамлардан айрилдик ва тезлик билан окоплар қазиб, траншеяга жойлашдик. Эрта тонгда автоматчилар ротаси билан душман устига ташланиб, ҳужумга ўтдик. Немис билан юзма-юз олишиб, анча талофат кўриб, душманни узоқроққа сиқиб чиқардик.

Спасдемянск, Елена шаҳар ва қишлоқларини душмандан озод қилдик...

Эрта тонгда 12 та немис танклари улар томон ҳаракат қилаётгани тўғрисида хабар қилинди. Буни эшитган командир Мавлудга юзланиб буйруқ берди:"Тезлик билан танкка қарши қурол (ПТР) дан отувчи аскарларни тўпланг". Бир зумда тўпланган 5 нафар ПТР чи ўрмон чеккасига жойлашиб, танкларни кута бошлади. Қаршиларида очиқ майдон. Узоқдан танкларнинг гуриллаган овози эшитила бошлади. Ниҳоят душманнинг биринчи танки кўринди. Шеригининг ҳаяжонли кўзлари Мавлудни сергаклантирди. Ўқловчи ПТР милтиғини ўқлаганда душман танки яқинлашмоқда эди. Уни мўлжалга олиб тепки босилди. Ва ниҳоят, душманнинг олдиндаги танки тўхтади, тутай бошлади.

Қуролдош шериги учинчи ўқни узатди, Мавлуд затворни бекитиб мўлжалга олганида олдинга ўтиб олган 4-5 немис танки тўхтовсиз отаётган эди. Шу пайт уларнинг ёнига снаряд тушиб, портлаш натижасида ер ларзага келди. Мавлудни ётган еридан улоқтириб ташлади, устига тупроқ ёғилиб, ҳушидан кетказди.

Бироздан сўнг офтоб нурлари тушиб Мавлуд ўзига келади. Шу пайт унга югуриб пешвоз келаётган ҳамшира кўринади. Аёл жангчини тупроқ остидан чиқариб, яраланган оёғини боғлади.

Шу аҳволда уни йўлга олиб чиқишди. Йўлда жангчиларга овқат тарқатиб келаётган от аравага Мавлудни чиқаришди. Бироз юргач, арава катта замбараклар олдида тўхтади. Энди замбилга олмоқчи бўлиб турилганда Мавлуд тўсатдан "Ада, адажон", деб қичқириб юборди. Ҳамманинг нигоҳи унда эди. У адашмаганди. Бу артиллерия дивизионидаги замбарақдан узоққа ўт отувчи Мавлуднинг отаси Ғуломжон эди.

Ота-бола қисқа муддат дийдорлашди. Бир-бирини бағрига босиб, ҳолаҳвол сўрашишди. Аён бўлдики, Ғуломжон ака Мавлуддан 2 ҳафта ўтиб, фронтга олиниб, аввал Сталинград, кейин Смоленск шаҳрида тўхтовсиз жанг қилиб, бир марта енгил ярадор бўлиб, тузалиб яна замбарак ёнига қайтган экан.

"Оёғингдан қаттиқ ярадор бўлибсан, дадил бўл ўғлим", деб шу тариқа ота қуролдош дўстлари олдига, ўғил эса медсанбатга кетди.

Хирург Мавлуднинг оёғини кўздан кечираркан, тезда кесмаса гангренага айланиб кетади, деган қарорга келди. Шу пайтда палата яқинида снаряд портлаб, Мавлуд ётган жойнинг шифти унинг устига қулади. У ҳушидан кетди. Ўзига келганида бутунлай бошқа жойда, бошқа шифокор олдида ётганини кўрди.

Шу аҳволда у турли шаҳарлардаги ҳарбий госпиталларда даволанди. Бу вақт мобайнида Мавлуднинг оёғи 4 марта мураккаб операциядан чиқди.

Ниҳоят 1944 йилнинг кузида касалхонадан сунъий оёқ билан қўлтиқтаёқда ўзи туғилиб ўсган Ўқчи маҳалласига кириб келди.

Отаси Ғуломжон эса ўша кезларда "ёриб ўтувчи" артеллерия дивизионида кўплаб шаҳарларни озод қилишдаги жангларда фаол қатнашиб, қатор орден, медаллар билан тақдирланиб, ғалабани Берлинда кутиб олди. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, оиласи бағрига қайтди. 1984 йилда Ғуломжон ота 85 ёшида ўғлининг қўлида бандаликни бажо келтирди.

Мавлуд ака эса урушдан олдинги орзусини амалга оширишга киришди. Ҳарбийга чақирилган йили у Тошкент Тиббиёт институтида ўқир эди. Ўша пайтда тиббий фанлар ичида у "Одам анатомияси" фанига қизиқар эди. Шу туфайли бўлса керак, институтни тугатиши билан уни Республика Жисмоний тарбия институтининг "Одам анатомияси" кафедрасига ишга юборишди.

Шу ерда сурункасига 40 йил ишлади, фан номзоди, доцент бўлди. М.Ғуломов минглаб тиббиёт ходимлари ва жисмоний тарбия бўйича мутахассисларга устозлик қилди.

Айни кунларда уруш ва меҳнат фахрийси Мавлуд ака Ғуломов отадан мерос қолган Ўқчи кўчасидаги уйда, неваралар қучоғида боболик гаштини сурмоқда.

Тўхтасин ҒАНИЕВ

СУРАТДА: *Мавлуд ҒУЛОМОВ (чапда) ва Ғуломжон ота урушдан кейинги йилларда.*

Наманган вилояти

УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН
— дейди уруш кўрганлар

Ҳасанбой ҲАҚҚУЛОВ, I-гуруҳ ногирони.

1942 йилнинг 9 майида ҳамқишлоқларим марҳум Абдунаби Тиллабоев, Маматгўё Ороловлар билан урушга кетдик.

1943 йилнинг апрель-май ойларида Нальчик шаҳрини, ундан сўнг Украина, Польшани озод қилишда қатнашдим. Львов шаҳрида чегара отряди тузилди. Бизга бузилган чегараларни тиклаш топширилган эди. Любомир туманида чегарани қайта таъмирладик.

1947 йилнинг август ойида жонажон қишлоғимга қайтиб, табелчи, бош пудрат етакчиси, сувчи бўлиб ишладим. Кўплаб жанговор медаллар ҳамда фахрий ёрлиқлар — жанглардаги ва меҳнатдаги фаолиятимдан ёрқин нишона. 1983 йилдан бери кексалик гаштини суряпман. 10 фарзанд, 25 невара, 9 чеваранинг бобосиман. Уларнинг барчаси юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда.

Абдуваҳоб ҚАҲҲОРОВ, II-гуруҳ ногирони.

1943 йилнинг апрель ойида урушга кетдим. Мирзаҳмад Йўлдошев, Қурбонали Ёқубов, Маматғани Суюнов, Ҳайитмирза Жўраев каби ҳамқишлоқларим билан Кўкчатов шаҳрида ҳарбий тайёргарликдан сўнг шиддатли уруш давом этаётган шаҳарларда курашдик.

Жанглардан бирида ўнг оёғимдан яраландим. Тез орада яна сафга қайтдим. Полкимиз Польшанинг бир қатор шаҳарларини озод этди. Душманни қувиб, Германиягача бордим. Эльба шаҳрида иккинчи бор яраланиб, олти ой Махачкала ҳарбий госпиталида ётдим. Врачлар рўғимни кесишни тавсия қилишди. Лаънати уруш туфайли ярадор бўлиб, бир умр оёқсиз қолдим.

1945 йилнинг кузида урушдан бир оёқсиз жонажон қишлоғимга қайтдим. Косибчилик касбини ўрганиб, шу соҳада ишлаб, ҳамқишлоқларим буюртмаларини вақтида бежирим тайёрлаб, уларнинг обрў эътиборини қозондим.

5 нафар фарзанд, 6 нафар набираларимнинг бобосиман.

М.ҚОДИРОВ ёзиб олди.

Уйчи тумани Қизилравот қишлоғи

Самарқанд вилояти

ЖАНГдан сўнг ИЛМга...

Ўзбекистон Энциклопедиясининг 1973 йилда Тошкентда чоп этилган 4-том 522-бетида қуйидаги жумлалар бор эди: "Ҳаким Зоҳидович Иброҳимов 1917 йилда Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай—таҳр.) туманининг Ғиштқўприк қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ветеринария фанлари доктори, профессор..."

...Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини 1939 йилда аъло баҳоларга тамомлаган Ҳакимжонни ўқув юртига ассистентликка ишга олиб қолишди. 1940 йилда уни ҳарбийга чақиришди. У мардонавор жанг қилди. Унга «Ветхизмат капитани» унвони берилди. Ленинградни ҳимоя қилишда кўп марта оғир яраланди, урушни Берлинда якунлади. Машаққатли саккиз йил ортда қолди. 1946 йилда она қишлоғи Ғиштқўприкка кўксида бир талай орден ва медаллар билан қайтиб келди. Отасининг вафоти, иккала акасининг фронтда ҳалок бўлгани Ҳакимжон учун кутилмаган зарба бўлди. Самарқандга, институтга қайтиб келиб, ассистентлик ишини давом эттирди, талабаларга ветеринария фанидан дарс берди.

Докторлик диссертациясини ёқлади, профессор бўлди. 1978 йилда илмий соҳада эришган хизматлари ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашдаги фаолияти учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони берилди.

Яқинда Ҳакимжон Санкт-Петербургдан «Шаҳарнинг 300 йиллиги» медали билан мукофотланганлиги ҳақида хушхабар ва медал олди.

Иноят НЕЪМАТОВ

Фарғона вилояти

САЙФИ АКАНИ ХОТИРЛАБ...

Сайфи Узоқов ҳаёт бўлганида ҳозир 95 ёшга кирарди. Сайфи аканинг меҳнат фаолияти Оқдарё туманида оддий ўқитувчиликдан бошланди. Кейин мактабда директор бўлди. Ана шу пайтларда газеталарга хат-хабар, мақолалар ёзиб, устозларининг назарига тушди.

1935 йилдан 1941 йилгача Ўзбекистон телеграф агентлигининг Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги махсус мухбири бўлиб ишлади.

1941 йилнинг декабрь ойида Сайфи Узоқов армия сафига чақирилди. У 94-алоҳида ўзбек ўқчи бригадасида сиёсий раҳбар бўлиб, қуролдош дўстлари билан шиддатли жангларда қатнашди.

Урушдан кейин Сайфи ака вилоятдаги шаҳар ва туманларда турли лавозимларда ишлади.

Кейинчалик у дастлабки севган касби — матбуот ишига қайтади ва туманда янги газета ташкил қилиб, унга муҳаррирлик қилади, вилоятдаги нашриётда директор вазифасида ишлади.

Сайфи Узоқов ташкилотчи ва тадбиркор раҳбаригина бўлибгина қолмай, меҳрибон оила бошлиғи ҳам эди. У турмуш ўртоғи Ҳанифахон ая билан етти ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказди.

Яқинда маҳалладошлари мурувватли, меҳри дарё инсон — Сайфи ака Узоқовнинг номини ёдга олиб, туғилганига 95 йил тўлиши муносабати билан Хотира турнири ўтказдилар. Бу тадбирнинг ташкилотчиси Ўрташўра маҳалласи фуқаролар йиғини педагог-тарбиячиси Мавлудахон Шарипова бўлди. Унда вилоят, қўшни шаҳар ва туманлардан, маҳаллалардан вакиллар, Сайфи Узоқовнинг дўстлари, 26-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Хотира майдонида
Тошкент

Қалб мавжи

Тўра ЖУМАН — уруш даҳшатларини бошидан ўтказиб, шундан кейин ҳам меҳнат жабҳаларида самарали меҳнат қилган ижодкор. У ҳар гал таҳририятга кириб келар экан, ёши 80 дан ошганини, унинг ижоди, газета-журналларда босилаётган шеърлари унга катта далда бўлиб, қаддини кўтариб юрганлигини ҳазил аралаш бизга эслатиб қўяди.

Тўра бобо, қаддингизни янада баланд кўтариб юринг, дея ният қилиб, шеърларингиздан намуналар эълон қилаяпмиз.

ФАЙЗЛИДИР

Хонадонлар, ҳовлилар дилдор билан файзлидир.
Маҳаллалар фаоллар, диндор билан файзлидир.

Синдор отлари билан чавандозлар обрўси,
Катта-кичик хиёбон гулзор билан файзлидир.

Ошноси йўқ хасиснинг яшаши зерикарли,
Кишиларнинг ҳаёти дўст-ёр билан файзлидир.

Қалбимизда армон йўқ, мустақил диёримиз
Фойдаси кўп фармон ва қарор билан файзлидир.

КЕРАК

Ишда зафар қучмоқ-чун аҳил инсонлар керак,
Ватан тинчлиги учун хушёр посбонлар керак.

Тўкин яшамоқ учун тайёрга айёр бўлмай,
Фидокор чорвадорлар, толмас деҳқонлар керак.

Фаровон турмуш учун рўзғорига тежамкор,
Бичиш-тикишни билган яхши жононлар керак.

Тўра давлатимизнинг буюк бўлиши учун,
Касбига содиқ бўлган қизлар, ўғлонлар керак.

СОЧҒАН ЗИЁСИ ЯХШИ

Мустақил ватанимнинг кайфу сафоси яхши,
Муносиб раҳбарлари, ақли расоси яхши.

Хурсандчилик туфайли қўшиқ яралди минг-минг,
Қўшиқларга жўр бўлган танбур садоси яхши.

Санъатнинг ҳар асбоби жаранглайди ўзгача,
Куйин ширадор қилган найнинг навоси яхши.

Гина-қудрат, аразлар камаймоқда йилдан йил,
Инсоннинг бир-бирига меҳру вафоси яхши.

Севган касбни қилган халқ ишда зафар қучмоқда,
Тўра, мустақилликнинг сочган зиёси яхши.

Тўра ЖУМАН

Кексалик — гашт!

Шаҳри Кешда чоллар бор,
Бири-биридан илғор.
Хизматининг рамзи бу —
Кўкси тўла нишон бор.
Юрарлар ўктам-дадил,
Босган изи мазмундор.
Ишлари исбот-дадил,
Ҳар сўзининг боли бор.
Қанча йўлларни босиб,
Из қолдирган, чўл қувган.
Кўкрак кериб чўлларга,
Сув чиқарган, гул қилган.
Бугун соч-соқоллари
Бўлса ҳамки оппоқ қор,
Тўй-маърака, ҳашамда
Ҳар жабҳада ўрни бор.

Жаббор ХАЛИЛОВ,
Шаҳрисабз тумани "Ижодкор фахрийлар" уюшмаси раиси.

ХОТИРА-РИСОЛА

Қадимги туркий аждодларимиз инсон номи унутилмагунча, руҳи ҳам ўлмайди, деб билишган экан. Бу қараш бу йил таваллудининг 110 йиллиги нишонланаётган буюк адибимиз Абдулла Қодирий тақдирига жуда уйғун келади. Адиб бугун ҳузуримизга Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида чоп этилган "Абдулла Қодирий: Таърифи адиб" асари билан яна кириб келди.

Тўплам билан танишар эканмиз, биз ёзувчи ва унинг замондошлари билан учрашгандай бўламиз. Миллат ва эрк фидойиси бўлган буюк адибнинг ижод севинчлари, шу йўлда чеккан азоб-уқубатлари, фидо бўлганлиги кўз ўнгимиздан бир-бир ўтади. Асардаги хотиралар, хусусан, Ҳабибулло Қодирий эсдаликлари ёзувчининг адабиётга бўлган қарашлари, миллат учун фидойи бўлган инсон сифатидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Китобда ҳар бир хотирага пешлавҳа сифатида берилган Абдулла Қодирийнинг фикрлари ҳам "узукка кўз қўйгандек" ярашиб тушганини алоҳида қайд этиш лозим.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён"дан ҳам бадиий юксак асар ёзиш нияти бўлганини китобдаги Музайяна Алавия келтирган хотирадан илк бор билиб оламиз.

"Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим, — деган эди адиб, 1926 йил суддаги нутқида, — Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир".

Мустабид тузум, "бир неча шахслар" Қодирийни, унинг жаҳонга кўз-кўз қилгудек асарларини ўлдира олмадилар.

"Абдулла Қодирий: Таърифи адиб" асари улуғ инсонга бўлган эҳтиромнинг бир рамзидир. Бу асар адабиётда чинакам талантларнинг ўрни ва ижод сирларини ўрганувчилар, Қодирий ҳаёти билан қизиқувчи китобхонлар учун ҳам муносиб туҳфадир.

Иброҳим ТУРСУНОВ,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси.

МАҚОМ ВА СУВОРАЛАРГА БАХШИДА ЎТГАН УМР

Хоразм мусиқа маданияти саҳифаларида ўчмас из қолдирган улкан саньаткор Ҳожихон Болтаев 1904 йили Хоразм вилоятининг Хонқа тумани маркази яқинидаги Каричмон мавзесида туғилган. Ота касби этикдўзликни яхши эгаллаган Ҳожихоннинг ўй-хаёлини қўшиқ чулғаб олган кунларнинг бирида отаси унга "Ихлос билан ишласанг, ёмон этикчи чиқмайди сендан. Ҳарқалай, ота касби... Ҳозир сўзларимни унча ангширмассан, ҳарқалай, худо ёринг бўлсин. Менга деса, этикдўз бўлганинг аъло" деган.

Ҳожихон отасини ўксинтирмаслик учун ҳам этик тиккан, ҳам қўшиқ айтган. Ҳожихон Болтаевнинг овозида бир олам сеҳр бор эдиким, у қандай қўшиқ ижро этмасин, хоҳ мозийдан, хоҳ шу бугуннинг тезоб йўлидан, барибир эшитган одамнинг хаёлларини олис-олисларга олиб кетар эди. Унинг овозидаги ишва ва жозиба йўқолиб бораётган мақомларга, суворааларга қайта ҳаёт бағишлади, уларни дилларга жо этди. Ёшлар орасида енгил-елпи қўшиқларнинг пайдо бўлиши, Хоразм мақом қўшиқчилиги саньатининг ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги Ҳожихонни қаттиқ ташвишлантирди. У 1965 йилда Урганч шаҳар маданият уйи қошида мақом ансамбли тузди. Мазкур жамоадан Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ Искандаров, Бекжон Отажонов, Ўринбой Отажонов, Сотим Авазов, Матназар Худойназаров, Қутлимурод Ҳожиев, Абдушариф Вафоев, Нурмуҳаммад Болтаев каби хушовоз хонандалар етишиб чиқди. Ҳожихон раҳбарлигида тузилган мақом дастаси бутун Ўрта Осиёга танилди. 1972 йилда мақомчиларнинг республика кўригида биринчи ўринни эгаллади.

Забардаст ҳофиз Ҳожихон Болтаев 1986 йили оламдан ўтди. Хоразмликларнинг ўз ҳофизига ихлос-эътиқоди юксак. Хонқа шаҳри марказида мақом музейи ва ёшлар хиёбони ташкил этилди. Ҳофизнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ҳам чоп этилди. Хива

давлат музей қўриқхонаси, мусиқа тарихи музейида Ҳожихон Болтаев ҳаёти ва ижодига доир экспозиция очилди. Бу ерда ҳофиз ижросидаги қўшиқларни тинглаш ҳам мумкин.

Бу йил буюк ҳофизимиз таваллуд топганига 100 йил тўлади.

Комилжон АМИНОВ,
Амина БЕКЧАНОВА.

«M.R» ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ БОҒЛАНМАСИ ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Алоқа соҳаси азалдан томонлараро муносабатларнинг кўприги бўлиб келган. Бугунги кунда эса унинг хизмат доираси анча кенгайиб, тезкорлик борасида илгарилаб кетди. Ҳаттоки сониялар ичида дунёнинг истаган нуқтаси билан боғланиш имкониятига эгамиз. Зеро, олдиндан башорат қилинганидек, "XXI аср — ахборот асри" ибораси бугунги кунимизда тобора ўз исботини топмоқда.

Шубҳасиз, бу борадаги юксалишлар, тараққиёт жараёни ўз ўзидан юз бераётгани йўқ. Бунда ўн уч йил муқаддам қўлга киритган мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилган ислоҳотларнинг муносиб ўрни бор. Кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори алоқа тизимини ҳам ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятимизда ҳам бу борада қатор самарали ишлар қилинди.

Хорижликлар билан ҳамкорлик эвазига дастлаб Термиз шаҳрида рақамли телефон станцияси ўрнатилиб, илк бора шиша толали кабел ёрдамида сифатли алоқа хизмати йўлга қўйилди. Натижада, мавжуд муаммолар ўз ечимини топди. Ҳозир Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Термиз филиали мустақил фаолият кўрсатмоқда. Жамоа аҳли хизматидан нафақат шаҳар аҳолиси, балки, хорижлик меҳмонлар ҳам кенг фойдаланишмоқда. Улар замонавий алоқа хизматининг ўнга яқин туридан манфаатдор бўлишаяпти. Айниқса, "Интал Телеком" филиали орқали кўрсатилаётган интернет хизмати қисқа муддат ичида катта муваффақият қозона олди. 2003 йилда унинг мижозлари сони ҳамда даромад салмоғи уч баробар ошди. Жарқўрғондаги "Сурхон-текс" қўшма корхонаси, Ангордаги "Меҳригиё" маркази, "Сурхондарё-пахтасаноат" бирлашмаси каби бир қатор жамоалар "Узи-Термиз" филиалига қарашли "Интернет кафе"нинг асосий ҳамкорларига айланишган.Кейинги икки йил мобайнида вилоятнинг шимолий туманларида ҳам шиша толали кабел ётқизиш ва уни Денов шаҳридаги асосий ҳалқага улаш ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилди. Рақамли телефон станцияси имкониятлари даставвал



деновлик мижозларни мамнун этди. Бу жараён Шўрчи, Олтинсой тунманларида ҳам амалга оширилди. Ўтган йили эса Сариосиёда жаҳон андозаларига мос алоқа хизмати йўлга қўйилди.

Шахтёрлар шаҳри — Шарғунга ҳам бундай янгиликнинг кириб бориши муҳим воқеа бўлди. Қисқаси, бу тоғолди манзилида сифатли алоқа хизмати кўрсатиш билан боғлиқ баъзи муаммоларга барҳам берилди.

Вилоятимизда олис қишлоқлар, божхона масканлари, геологик-қидирув ишлари олиб борилаётган манзилларни телефонлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб келарди. Хитой мамлакатининг "Хуайвей" компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилгач, масалага ечим топилди. Шунингдек, Жарқўрғонда радио алоқа филиалининг иш бошлаши ҳам талай имкониятларни юзага келтирмоқда. Ҳозир Жамолхон Искандаров раҳбарлик қилаётган мазкур радио алоқа филиали қарийб 300 та мижозга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг барча туманларида сифатли алоқа хизмати тўлиқ йўлга қўйилган, дея олмаймиз. Бироқ, бу муаммоларни бартараф этиш борасида изланишлар тўхтаб қолгани йўқ. Жумладан, Термиз туманидаги Солиобод қишлоқ автомат телефон станцияси замонавий жиҳозланди. Қумқўрғон телекоммуникациялар боғламасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бойсун, Қизириқ ва Шеробод туманларида Японияннинг "Нек" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб бориш дастури ишлаб чиқилган. Белгиланган тадбирлар амалга оширилгач, барча алоқа шахобчаларида хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти тубдан яхшиланади. Тан олиб айтиш керак, ҳозир вилоятдаги 700 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг аксарияти телефонлаштирилмаган. Тўғри, бу муаммонинг туб негизи маблағга бориб тақалади. Лекин яқин йиллар ичида бунга ҳам имкон топилади.

Умуман олганда, 771 нафар кишидан иборат аҳил жамоамиз ўз зиммасига юкланган вазифа масъулиятини дилдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилишга интилмоқда. Улар элга хизмат қилиш хайрли иш эканлигини жуда яхши билишади. Шундай экан, "Сурхондарётелеком" филиали жамоасига ишонса бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни анъанавий касб байрамлари билан муборакбод этаман ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли ишларига муваффақиятлар тилайман.

Рустам ТЎХТАМИШЕВ,
"Сурхондарётелеком" филиали раҳбарининг ўринбосари.

О.ШУКУРОВ ва Н.ЗИЁЕВЛАР тайёрлади.

СУРАТДА: Денов тумани телекоммуникациялар боғламаси алоқачиси Марина ЛИСИЧКИНА.

АҲИЛ ЖАМОА — АСЛ ЖАМОА

Ўзаро ҳурмат ҳисси асли кўнгилда бўлади. Бизнинг Денов телекоммуникациялар боғланмаси ходимларидан иборат аҳил жамоамиз аъзолари буни яхши билишади. Уларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббати ва ҳурмат-эҳтироми ҳеч қачон талаблар ё мажбуриятлар тақозоси сифатида намоён бўлмаган. Балки боғланмадаги соғлом муҳит фаолиятимиз ҳамда жамоамиз аъзолари муносабатининг янада юксалишга имкон берган, холос.

Бундай соғлом муҳитни таъминлашда, аввало кадрлар билан ишлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласи доимо диққат-эътиборимизда турибди. Бу масалада раҳбаримиз Бахтиёр Шоймардонов билан ҳамфикрмиз. Қувонарлиси, бу йил ўзининг ярим асрлик тўйини ўтказишга ҳозирлик кўраётган қутлуғ даргоҳимиз жамоаси ёш иқтидор эгалари, хусусан Тошкент Ахборот Технологиялари университети битирувчилари ҳисобига кенгаймоқда. Уларни тажрибали мутахассисларга биркитиб қўяётганимиз фойдадан ҳоли бўлмаяпти. Мураббийлар қўмаги ёш кадрнинг ушбу масъулиятли касб сир-асрорларини янада мустаҳкамроқ эгаллашида катта аҳамият касб этмоқда.

Гап шундаки, ҳозир бозор иқтисоди шароитида ходимларнинг шартнома асосида ишлаши кенг йўлга қўйилган. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги бу битим асосан интизомни мустаҳкамлашга ва ойлик маошларнинг ўз вақтида бериб борилишига хизмат қилаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Денов телекоммуникациялар боғланмаси ҳам кейинги йилларда замонавий алоқа ускуналари билан жиҳозланди. Ушбу янгилик афзалликларидан мижозлар ҳам мамнун бўлмоқда.

Улар рақамли телефон станцияси имкониятлари беқиёслигини дақиқа сайин сезиб туришибди. Шунингдек, кейинги икки йилда ўндан ортиқ шаҳарлараро ва халқаро гаплашув шахобчалари ишга туширилди. Бундай шахобчалар нафақат Денов шаҳрида, балки туманнинг Хазарбоғ, Ғалаба, Саминжон Отабоев, Шоймардон Қобилов номли ширкат хўжаликларида ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Хуллас, юз нафардан зиёд ходимни бирлаштирган аҳил жамоамиз одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилишдек ғоят масъулиятли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Муҳайё РАИМОВА,
Денов тумани телекоммуникациялар боғланмасининг кадрлар бўлими бошлиғи.

ЯНГИ ДАВР — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Кўҳна шаҳар — Термизда сўнгги йилларда сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Сир эмас, бундан ўн йил илгари шаҳарда телефон муаммоси кўндаланг турарди. Фақат истиқлол йилларида муаммога ечим топилди. Хорижликлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, биринчи марта рақамли телефон станцияси ишга туширилди.

— Мана иккинчи йилдирки, жамоамиз мустақил равишда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилги якунлар республикадаги тўртта турдош жамоалар орасида энг яхши кўрсаткичларга эришганимизни кўрсатди. 2003 йилда меҳнатга ҳақ тўлаш келишувига асосан энг кам иш ҳақининг 8,5 баробари миқдорида бўлиши керак эди. Аслида, 12 баробар бўлди ёки бизнинг филиалимизда ўртача иш ҳақи қўшимча тўловлар билан бирга 67 минг 958 сўмни ташкил этди. Оғир меҳнат шароитида ишловчи ходимларга 736 минг сўм қўшимча иш ҳақи тўланди. Ишчилар махсус кийим-бош ва пойафзал билан тўлиқ таъминланди.

Корхона бошқаруви бевосита филиал касаба уюшмалари ташки-

СУРАТДА: Электр алоқа бўлими бошлиғи Р.Ибрагимов (ўнгдан) ва бўлим маҳандиси Э.ХУДОЙНАЗАРОВ.

лоти билан келишилган ҳолда ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор бермоқда. Ўтган йили 3 нафар киши узлуксиз меҳнатлари учун 230 минг сўм мукофот пулини олишди. Ходимлардан 16 нафари соғломлаштириш ва дам олиш сиҳатгоҳларига юборилди. Меҳнаткашларнинг фарзандларидан 24 таси оромгоҳларда ёзги таътилни ўтказишди. Пенсияга кузатилган 3 нафар кишига 112 минг 500 сўм моддий ёрдам берилди.

Албатта, бундай моддий манфаатдорлик бўлгач, ҳар бир ходим сидқидилдан хизмат қилишга интилади. Суръат ва сифат кўрсаткичи кутилганидан ҳам зиёда бўлаётганлигининг асл боиси ҳам шунда. Қолаверса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида 34 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилгани эътиборга лойиқ. Бунинг натижасида филиалга қарашли АТС-лардаги монтёрларнинг дам олиш хоналарида шарт-шароитлар яхшиланди. Жумладан, 3-АТС ва коммутатор цехида иситиш мосламалари ўрнатилди, бўлимлар таъмирланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралда бўлган йиғилишида "...аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш халқаро интернет тизимига кенг миқёсда уланиш билан бевосита боғлиқдир" деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Мана икки йилдирки, филиалимиз қошида интернет гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даврда интернет хизматлари учун нархлар бевосита мижозлар манфаати кўзланган ҳолда икки марта ўзгартирилди. Хизмат ҳақининг камайтирилиши мижозларга қулайлик яратибгина қолмай, улар сафининг мунтазам ўсиб боришини ҳам таъминламоқда. Жорий йил охирига қадар шаҳарда яна битта интернет маскани очишни режалаштириб турибмиз.

Филиалимиз аъзолари фаолияти билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Спорт майдончалари қурилишини тезлатишимиз, иситиш тармоғини таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишимиз керак. Ишонаманки, бу ишлар ҳам муваффақиятли бажарилади. Аҳил жамоамиз 2004 йилда ҳам халққа манзур хизмат кўрсатиб, янада яхшироқ натижаларга эришади.

Собиржон БАДАЛБОЕВ,
"Ўзбектелеком Интернешнл М.Ч.Ж.Ш" қўшма корхонасининг "УЗИ-Термиз" филиали раҳбари.

КЎЧАРСОЙДА ДАСТЁРЛАР ХИЗМАТИ

Маҳалламиздаги 200 та хонадонга телефон тармоғи ўрнатилган. Бу мавжуд автомат телефон станциясининг тўла қувват билан хизмат қилаётганидан далолат.

Кўчарсойга илк бор телефон сими тортилган кун ҳеч ёдимдан чиқмайди. Одамлар янгиликка жуда қизиқиш билан қарашган эди. Шу боис, ўшанда бу савоб ишда қатнашганимдан ва халқимиз ташвишини енгил қилишга ҳисса қўшганимдан чексиз қувонганим, рост!

Мана, ҳозирга келиб нафақат хонадонларда, балки Кўчарсой маҳалла фуқаролар йиғинида ўрнатилган телефон нуқтаси ҳам нуқсонсиз ишлаб турибди. Бу эса маҳалла аҳлининг ортиқча вақти, харажатини иқтисод қилмоқда, қолаверса, бундай имконият фуқаролар йиғини фаолиятида кўл келмоқда. Албатта, маҳалламиз йил сайин обод бўлиб, тинч-тотув турмуш барқарорлигига эришилаётган экан, бунда биз алоқа ходимларининг ўз ўрнимиз бор, дейишга ҳақлиман.

"Бешқаҳрамон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган қишлоқ автомат телефон станциясида шогирдим Алимардон Холмўминов билан ҳамкорликда ишлаяпман. Мижозлар эътирозига ўрин қолдирмаслик ҳаракатида бўлаяпмиз.

Ҳа, бизнинг Кўчарсой маҳалламизга келган киши деярли ҳар бир хонадонда телефон тармоғи ишлаб турганига гувоҳ бўлади. Мижозлар ҳам хизмат ҳақларини мунтазам ва ўз вақтида тўлаб боришга одатланиб қолишган. Чунки улар учун беминнат ва тежамкор алоқа воситаси бўлмиш телефон тармоғи чин маънода дастёрлик вазифасини бажармоқда. Биз эса, элга доимо шундай манзур хизмат кўрсатишни ўз зиммамизга олганмиз.

Турди ТЎРАЕВ,
Қумқўрғон тумани телекоммуникация боғланмасининг қишлоқ электрмонтёри.

Сўз ҳақида сўз

ГАВҲАРНИ БЕҲУДА СОЧМАНГ

ёхуд Хоразмдаги баъзи тўйларда учрайдиган сўз исрофгарчилиги ҳақида

Тўйга келдингиз. Тўкин дастурхон. Дилрабо қўшиқ янграяпти. Раққоса товусдек хиром этмоқда. Ёнингизда ёхуд қаршингизда суҳбатини соғиниб юрган дўсту биродарларингиз. Ўзбекнинг тўйига хос саховат, мулозамат, илтифот... Лекин, меҳмонлар тезда чарчаб, асаблари таранглаша бошлади. Нега?

Чунки бу пайтда тўйбошининг одатдаги гап халтаси ланг очилиб, гулгун, фаровон замона, унинг Фарҳоду Ширинлари, Лайлию Мажнунлари ҳақида, улуғ алломалар, уларнинг ҳикматли сўзлари ва ниҳоят тўй соҳиблари, уларнинг ажойиб фазилатлари, келин-куёвлар ҳақида узундан узоқ гапиришда давом этарди. Сўзларини шеърлар билан исботлаб боришни ҳам унутмасди. Унинг бақириб-чақириб, беталаффуз айтган бу сўзларини бошқа тўйларда ҳам эшитган меҳмонлар зерикиб, иштаҳасини йўқотиб ўтиргани билан иши йўқ. Даврада ҳам унга ўхшаш сўзамоллар топилди. Улар ҳам ҳар бири 5-10 дақиқадан баландпарвоз, маза-матрасиз, қовушмайдиган сўзларни айтишдан истиҳола қилишмади. Тўй мажлисга айланди-қолди.

Бунақа нохуш ҳолларни кўриб, гувоҳи бўлиб ўйланиб қоласан: нега тўйлар бунақа тус оляпти? Шунча сарфу харажат, орзу-ниятлар билан қилинган тўйлардан нега файзу тароват йўқолиб боряпти?

Яқинда Наманганга бориб келган дўстимиз тўй таърифини қилди: бошланишида оқсоқоллардан бири ҳамманинг номидан келин-куёвни табриклаб, яхши ниятларни изҳор этар экан, тамом-вассалом! Шундан кейин базм бошланар, узундан узоқ табрик сўзлари айтилмас, айтилса ҳам иккиуч одамдан ошмас, истак сўзлари бор-йўғи бир-икки дақиқани олар экан, холос.

Яширмаймиз, Хоразм томонларда ўтадиган тўйларда махсус сўз — бир энлик матн тайёрлаб келгувчилар ҳам топилади. Ёки бошқа тоифа меҳмонлар эса "Мабодо менга сўз берилса, нима дейман экан", деган андишада туз ҳам тотмай, оромини йўқотиб ўтиришади. Тўй бошқаришни ўзига касбу кор қилиб олган баъзи маддоҳлар эса Алининг тўйида ҳам, Валининг тўйида ҳам махсус ёдлаб келган бир хил сўзларини такрор-такрор айтиб, тўтиқушдек сайрашгани-сайрашган.

Сўз шамол қай томонга эсса шу томонга учадиган пуфак эмас. Сўз — гавҳар! Уни беҳуда сочмайлик. Тўйларимизни мажлисга айлантирмайлик.

Оз ва соз сўз, дилдан айтилган мухтасар истак — тўйларимиз, давраларимиз нақши. Буни асло унутмайлик, азизлар!

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

ҲАР ҚАДАМДА ОГОҲ ЯШАСАК...

Ёвузликнинг катта-кичиги бўлмайди. Ғаним ўз номи билан ғаним.

Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари орқали республикамизнинг муваффақиятларини кўролмайдиган, ўзининг разил ниятларини дин ниқоби остига яшираётган ғаламис кимсалар халқимизнинг, юртимизнинг душмани эканликларини яна бир карра ошкор этдилар. Аммо улар ёвуз ниятларига эриша олмадилар. Фақатгина ножўя ҳаракатлари сабаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди — умри хазон бўлди.

Бу воқеалар боис, кўплаб юртдошларимиз қатори ҳамшаҳарларимиз, қолаверса, коллежимиз жамоаси, талабалари ҳам террорчилар хуружига қарши ўз нафратини билдирмоқдалар.

Бугунги вазият ҳар биримизни сезгир ва ҳушёр бўлишга ундайди. Шу сабабли ҳозирда маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида ўз уйимизни асраш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар ўз натижасини бермоқда.

Оилада ўғил фарзанд туғилса, отанинг қувончи чексиз бўлади. Худо ўғил берди, дея кўкрак керади, посбоним бор деб, эркин нафас олади. Аммо мардим, дея улуғлангани ватан хоини бўлиб чиқса-чи?!

Бухоро вилоятининг Ромитон тумани Қаҳрамон қишлоғида яшовчи Неъмат Раззоқов ҳам ўғил ўстириб, унинг тарбиясига эътибор қилиб, фарзандининг юрагида ватанга меҳр уйғота олганида эди, бугунги кунда «хоиннинг отаси» деган тамғани, таъна-ю маломатни елкалаб юрмаган бўлармиди. Унинг қўшнилари, маҳалла аҳли-чи? Наҳотки, катта миқдордаги моддалар, мосламалар шу хонадонга киритилаётганда улар огоҳ бўлмадилар?

Бўлиб ўтган воқеаларни биз — педагоглар жамоаси қаттиқ қоралаймиз, ёшларни ватанга садоқат, истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашни янада кучайтирамиз ва айни пайтда ҳамюртларимизга шундай мурожаат қилмоқчимиз:турли шубҳа-гумонларга, миш-мишларга ўрин қолдирмай, ҳар қадамда огоҳ бўлайлик. Зеро, донишманд халқимиз айтганидек, «Ўзини асраганни Худо асрайди».

Турсунпўлат ЖУМАЕВ,
Қарши педагогика коллежи директори.

Олам турфа

ТИЛАМЧИ МАЙМУНЛАР

Айтишларича, қуёш яхшилаб қалтаклансa, ғуғурт чақишни ҳам ўрганиб олиши мумкин экан. Ҳиндистонда бўлган Воқеани эшитиб, ҳайратингиз янада ошади.

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари фуқаролари тиламчи маймунлардан паймонаси тўлган. Ваҳоланки, маймунлар одамларга ҳужум қилаётгани йўқ ёки нон ва бошқа егуликлар сўрамайди ҳам, фақат пул сўрайди. Мабодо, пул бермасангиз, уларнинг жаҳли чиқиб, қўлларини мушт қилиб, дўқ-пўписа ҳам қилиб қўядилар. Майда танга олган маймунлар яқин орадаги бозорга бориб, мева ёки сабзавот харид қилишмоқчи бўлишади.

Бу устомон харидорлар арзимаган пулга кўп нарса олишга ҳаракат қилишади. Агар сотувчи бу харидорнинг арзимаган тангасига кўп нарса бермасин, унда маймунлар сабзавотларни очиқданочиқ олиб қочишади, бунақада текинга тушади.

ДАФН МАРОСИМИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Кениянинг Ивокоини қишлоғида истиқомат қилувчи Уильям Кимони севимли дўсти Дунканнинг вафоти муносабати билан даврдавали дафн маросими ўтказди. 200 киши қатнашган бу тадбир христиан динига қаттиқ амал қилинган ҳолда бўлди. Ахир Уильям черковда хизмат қиларди-да. Бироқ, бир нарса мотамга йиғилганларни ҳайратда қолдирарди. Бундан ташқари,

Уильямнинг ота-онаси ҳам ташвишда эдилар, чунки бундай ғаройиб мотам маросимидан кейин уларнинг фарзандлари ё ишдан ҳайдалади, ёки қамалади. Гап шундаки, дафн маросими «айбдори» бўлган Дункан Уильямнинг севимли ити эди.

ТЎРТ ОЁҚЛИ ЖЎЖА

Венгриянинг Бордан шаҳридаги ширкатчиларга қарашли инкубаторга қўйилган тухумларнинг биридан тўрт оёқли жўжа чиқди.

У бошқа жиҳатлари билан қолган жўжалардан фарқ қилмайди. «Тўрт оёқли бўлса ҳам у ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди, чунки унинг ортиқча икки оёғи қарамақарши томонга ўсган» деб ҳазиллашмоқда инкубатор ходимлари.

Газетхон — каламкаш

...Мамат шўпир чапақай
Тажангликда тенги йўқ.
Панд-ўгитга қарамай,
Жаҳлининг ҳеч сўнгги йўқ.
Ҳар кун жанжал уйида,
Хотинига қилар зулм.
Ҳатто ўзин тўйида
Қилмаган бир табассум.
Бугун ҳам тугди муштин,
Бундан хотин дод қилди.
Эрининг етти пуштин
Бир чеккадан «ёд қилди».
Хумордан чиқиб Мамат
Кароватга чўзилди.
Эртага иш — у шўпир
Бундан кўнгли бузилди.
Тонгда соат олтида,

"ЖАВОБ ХАТИ..."

Уйғонмоққа мажбурдир.
Вазифа бор олдида,
«Соққа» унга манзурдир.
Қоғоз олиб бир дона,
Хотинга сатр битди:
«Жоним, асал, Дурдона,
Уйғот, бўлмасдан етти».
«Мактуб»ни хотин олди,
Мамат энди хотиржам.
Ташвиши сал йўқолди,
Уйқуга кетди бирам...
Мамат уйғониб унсиз,
Атрофига қарарди.
Соат бўлганди тўққиз,
Қўлида хат турарди.
Алам билан ўқиди,
Титраган бир овозда:
«Уйғонинг, соат олти»,
Деб ёзилган қоғозда.
Алқисса, хотин унинг
Хатига ёзмиш жавоб.
Бу ҳолатда Маматбой
Турарди бўлиб хуноб.

Отабек ҒУЛОМ ўғли

«Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман» танловига

ИСМИНГ МЕҲРМИ, ДУНЁ?!

Митти қорачўғлардаги ҳайрат, атрофидагиларга ҳадик ва қизиқиш билан боқадиган масъума қиёфа яна рўпарамда турибди. У жажжи қизалоқ.

— Гули-и, қўлингдаги нима? — оҳиста сўрайман ундан. Овозимни салгина баландлатсам, кабутардек пириллаб учиб кетадигандек чўчийман. Рости, қизалоқ билан тўйиб суҳбатлашгим, бижилдоқ тилидан чиқадиган болдек сўзларини тинглагим келади.

— Нон-ку, — дейди бийронча.

— Вой, нонингга лой тегибди-ку, асал қиз, кел артиб бераман.

— Йў-ўқ, — дейди қизча худди мен бурда нонини тортиб оладигандек орқага тисарилиб.

— Майли, майли, — дейман уни юпатиб, — ўзинг артиб олақол. Гули енги билан нонини артган бўлади. Кичкинагина кулча юзи ҳам ювилмаган, қўнғироқ сочлари пахмайган, оёғидаги резинка этикчасининг йиртиғидан пайпоқсиз бармоқчаси кўриниб турибди. Лой сачраган этагининг чоки сўкилган, ранги униққан нимчасининг ўртасида биттагина тугма лиқиллаб турибди. Қизалоқнинг абгор кўриниши вужудимни ўртаб юборди, беихтиёр сандиғимдаги барқут кўйлакча, айиқчанинг расми туширилган туфлича ёдимга тушди. Югуриб кириб олиб чиқсам, Гулининг эгнига илсам, ширин юзларини ювиб, этагим билан артиб қўйсам! Аммо ўз хаёлимдан ўзим хавотирга тушдим...

...Бултур худди шу қизалоқнинг акаси қаҳратон қишда ҳам орқаси йиртилиб қолган калиш судради. Унга раҳмим келиб кетарди. Ҳали ўқишга бормаган болакай тинимсиз кўчадан сув таширкан, совуқ жонидан ўтиб кетарди. Қўлидаги иккита сирли чойнак билан муз устига тойиб кетгани кўз олдимдан кетмайди. Ерга йиқилдию, сув тўкилиб иштончаси шалаббо бўлди, кўзлари ёшланди. Қўлимдаги ахлат челакни қорга отиб, болани турғазишга шошилдим. У оғриқ ва совуқдан титраб йиғларди. Юпатиб чойнакларини қўлига тутдим-да, дарвозасидан киргазиб юбордим.

Бир зумдан кейин Гулчеҳранинг ҳовлидан бақиргани эшитилди:

— Худоё жувонмарг ўлгур, чойнакнинг сирини кўчирибсан-ку! Ўзингни битта чойнакка олмайдия, текинтомоқ! Эндиги йил мактабга чиқарсан, лаллаймай ўлгур! Ҳа, онангга ўхшамай ўл!

Қўлимдаги челакни оҳиста ерга қўйдиму, устунга суянганча ўйга толдим. Демак, Гулчеҳра боланинг ўгай онаси, аммо кичкина Гули унинг туққан боласи. Ё Парвардигор, шу бола менинг болам бўлиб қолса эди! Ё карами кенг Аллоҳим, шуларга берган болани менгаям раво кўрсанг нима қиларди?.. Мижжаларимдан сизиб чиққан шўр ёш томчилари лабимни ачиштирди. Кўксимдаги нидо кўз ёшларим бўлиб этагимга оқаверди...

Ўз хаёлларим билан бўлиб қайнотамнинг эшикдан кириб келганини ҳам сезмабман. Болам, ким хафа қилди сени, деганларида ҳушимга келдим. Отажон, хавотирланманг, дея олдим зўрға, сўнг уларни хижолатга қўймаслик учун дарров ўзимни қўлга олдим. Гулчеҳрадан нафратимнинг чеки йўқ эди, унинг ҳовлисидан ҳануз болакайнинг бўғиқ йиғи товуши эшитилиб, дилимни сиёҳ қиларди. Эртаси куни шу кайфиятда бозорга жўнадим, бир жуфт чиройли этикча сотиб олдим. Ниятим болани қувонтириш эди, аммо орқа-олдини ўйламай иш қилган эканман. Ўша этикни олиб ўзимгагина эмас, оилам шаънига ҳам иснод келтирганимдан ҳали-ҳануз юрагим титроқда.

— Илоё, гўрингга қўй этигингни, иримчи! Менинг болам кўчада қолгани йўқ, бедов! Боламга ачинмай қўяқол, бошида ота-онаси бор! — деганича Гулчеҳра этикчани деворимиздан улоқтирди. Қаттиқ азият чекдим. Қайнотам бу ишни чакки қилибсан, болам, имонсиз яхшиликни билармиди, дедилар. Уни яхши ният билан олиб қўйгин, набираларимга насиб қилсин, деганларида чидаб туролмадим. Уйга кириб унсиз фарёд қилдим...

...Шу тобда Гулини ясатгим келди-ю, ўшандаги аянчли ҳолатим эсимга тушиб, ўзимни чалғитишга уриндим. Ўғил-ку, кундошидан қолган тирноқ экан, Гули-чи? Ахир, Гули унинг ўз дилбанди-ку? Аёл дегани ҳам шунчалик бефаҳм, бемеҳр бўладими, ахир.

Гулчеҳранинг ўзи ҳам, эри ҳам ёш, отасининг уй-жойи уларга мерос. Молхонаси тўла молу, ейиш-ичишининг тайини йўқ. Хотин уззукун кўчада, ўтган-кетганни гапга солади, болаларини қарғайди. Айниқса, кичкина Бобурни шунақаям урадики...

...Кўзлари мунчоғим, мен сени бағримдан қўймасдим, ишон! Жаннат ифори анқиган сочларинг, ҳайрат тўлган нигоҳларингга муҳрланиб қолардим мен. Мен сен билан тушларимда беҳишт боғларида етаклашиб юраман доим. Сени ҳар сония соғинаман, қалбим ардоғи!

Дилдоранинг дил дардларини оққа кўчирувчи Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

МУҲАББАТ ЧИЗГИЛАРИ

Дунёга равшан нигоҳ билан қараб, орзулар сари дадил интилувчиларни ҳаёт сийлайверади. Шунинг учун ҳам улғайиб келаётган ёш авлод, улар қаторида республикамизнинг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳам бардам руҳ, келажакка ишонч билан камол топишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз ички сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Суратлардаги болажонларнинг қувончлари чексиз. Чунки улар — Республика «Соғлом авлод» Халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари орасида ўтказаётган «Камалак жилоси» анъанавий расмлар танловининг ғолиблари.

Танловда Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Татьяна Ким «Ассалом Наврўз» деб номланган расми билан 1-даражали дипломга муносиб деб топилди.

Сирдарё вилоятидаги 27-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Руслан Волинкин ўтган йили бу танловда қиймматбаҳо совға билан тақдирланган бўлса, бу йил айни шу даргоҳ тарбияланувчилари Иван Дянченко II-даражали, Максим Шамин эса III-даражали диплом ва совғалар билан мукофотландилар.

Болалар расмларидаги ёркинлик, фикрнинг кенглиги, ранглар жилолари — улар қалб оламининг кўзгуси. Уларни она бўлиб ардоқлаётган Ватан, халқ меҳру муҳаббати кўнгилларига нақшланиб бораётгани, шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш орзуси, эзгу туйғулар нозик чизгилар билан расмларда акс этгани, шубҳасиз.

М.УЛУҒОВА



Суратларда: Иван Дяченко ва Максим Шамин (юқорида); Руслан Волинкин, Татьяна Ким (пастда)

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Келгусида мўлжаллаган ишларингиз муваффақияти кўп жиҳатдан айни кунлардаги саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ бўлади. Ўйлаб иш кўринг.

СИГИР (22.04-20.05)
Анчадан бери пайсалга солинган юмушларни тезда бажармасангиз улар яна анчагача таъбингизни хира қилиб ётади. Қолган ишга қор ёғади-я, биласизми?

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Фарзандларингиз сиз истаган машғулотга заррача қизиқиш намоён этмаганлари учун қайғурманг. Демак, уларнинг мустақил фикрлари мавжуд, бу ҳам чакки эмас.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Сиз яхшиликча ҳал этишни хоҳласангизда, айрим муаммолар хусусида яқинларингиз билан тортишишга мажбур бўласиз. Фақат бундан муносабатларга путур етиши ёмон-да.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ким нима деркин, дея фурсатни бой бергунча, таваккал иш тутсангиз, айни кунларда омад сизга кулиб боқиши мумкин. Демак, олға.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Шу кунлар қўлингиз ҳеч қандай ишга бормай, кайфиятсиз ҳолатдасиз. Лекин бу тезда ўтиб кетади. Дам олиш кунлари табиат қўйнида ҳордиқ чиқаринг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда соғлиғингизга бепарво муносабатда бўлсангиз, яширин кечган хасталик асоратлари туфайли кейин анча азоб тортасиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Молиявий ишларда кўпчиликка маслаҳат солиб ўтирманг. Тижоратчининг ҳақиқий жонкуяри кўп бўлмаслиги ҳисобга олган ҳолда иш кўринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришга ёлғиз бора кўрманг, дўстларингиз кутилмаган нохуш вазиятда жуда асқотиб қолишлари мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Шу кунларда сизни кўролмайдиган кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли обрўингиз ва бажараётган ишларингиз натижасига путур етиши мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда сиз учун ҳар қандай ҳужжатларни имзолаш, шартномалар расмийлаштириш фойдали эмас. Бу ишларни кейинроққа қолдириш йўлини изланг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда рўй берадиган воқеалардан тегишли хулосалар ясай олсангиз, бу дунёвий қарашларингизнинг бойишига хизмат қилади.

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими Андижон шаҳар Фаробий номли маҳалла фуқаролари йиғини раиси Ўктамжон Рустамовга акаси, меҳнат фахрийси **Анваржон РУСТАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Сурхондарё вилояти

ЭЗГУ НИЯТ ТЎЙГА АЙЛАНДИ

Меҳр ва мурувват йилида хайрли тадбирлар ташкил қилиш Бойсун туманида ҳам анъанага айланиб бормоқда. Туманнинг Ариқусти маҳалласи фуқароси Ботир Ҳамроев ота-она меҳридан айри ҳолда ўсган. Аммо улғайиб, А.Аъзамов номли маҳаллада яшовчи Гулсара Рамазоновага кўнгил қўйди-ю, тўй қилишга бироз қўллари калталик қилди.

Ахир, маҳалла-кўй, таниш-билишлар олдида дастурхон ёзишнинг ўзи бўладими? Ана шундай дамда уларга Ариқ усти маҳалла фуқаролар йиғини мададкор бўлди. Ботир билан Гулсаранинг висол кечаси туман ҳокимлигининг шинамгина ошхонасида ўтказилди. Ҳиммати баланд, сахий маҳалладошларнинг меҳр-муруввати туфайли дастурхонлар ноз-неъматга тўлди. Ўзларининг бетакрор санъати билан шуҳрат қозонган "Бойсун" халқ ансамбли даврага файз киритди.

Шундан сўнг, бундай эзгу тадбирлардан бири Алпомиш ўйингоҳи мажмуасидаги чойхонада ҳам давом этди. Бу ерда кам таъминланган, ночор оилаларнинг ўн тўрт нафар фарзандлари учун хатна тўйи ўтказилди. Туман ҳокими Эркин Бойниёзов тўйга ташкилотчилик қилган бўлса, Оқбулоқ, Қиличбоғ, Самар, Зафар, Орзимурод, Емчи фермер хўжаликлари, Бойсун, Сайроб, Работ, Дарбанд, Ғайрат, Дуоба, Авлод ширкат хўжаликлари раҳбарлари арзигулик тўёна ҳозирлашди.

Кечада ташкилот ва корхона раҳбарлари яхши ният билдириш билан бирга, тўй болаларга совға-саломлар ҳам топширдилар. Банкда уларнинг ҳисобига ўн минг сўмдан жамғармага пул қўйилди. Тўйда етмишдан ортиқ кам таъминланган оилаларга ҳам мурувват ёрдами кўрсатилди. "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси ҳисобидан уларнинг ҳар бирига беш минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган расм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 22 апрелда рўйхатга олинган "Gesheft" хусусий фирмаси (окпо-1898425; оконх-71300;) "Gesheft" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилаётганини маълум қилади.
Даъволар қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 41-64-27

Қашқадарё вилояти

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи шаҳрида Чироқчи тумани Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан шахмат бўйича туман биринчилиги мусобақаси ташкил этилди. Унда тумандаги 29 та қишлоқ ва маҳаллалардан 100 дан зиёд шахматчилар иштирок этдилар.

КИЧИК МУСОБАҚАГА КАТТА ЭЪТИБОР

Мусобақа аввалида тумандан етишиб чиққан шахмат бўйича беш карра мамлакат чемпиони, Жаҳон ва Осиё чемпионлари қатнашчиси, спорт устаси Сарвиноз Эргашева, икки карра мамлакат чемпиони, спорт усталигига номзод Нодира Нодиржонова ва I тоифали шахматчи Аҳрор Нодиржоновларга "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг эсдалик совғалари топширилди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳслар якунига кўра, эркаклар ўртасида биринчиликни Янгиобод маҳалласи фуқароси Сувон Саидов, аёллар ўртасида эса Т.Тилаев номли маҳалла вакили — Раиса Шарофиддинова ва Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғинидан Гулшода Туроповалар қўлга киритишди. Мусобақа ғолибларига "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ

Юртимизда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги кенг нишонланмоқда

АСЛ ШОИР ЮРАКДА ҚОЛУР

Сирдарё вилояти «Маънавият ва маърифат» маркази биноси зали юртимизнинг бетакрор, чин маънодаги халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъриятининг ихлосмандлари билан тўлди.

Шоир таваллудининг 50 йиллигига бағишланган тантана ҳақиқий шеърият байрамига айланди. Вилоятнинг барча туманларидан ушбу анжуманга келганлар орасида турли ёшдагилар, хилма хил соҳа-ю касб эгалари бор эди.

Олимлар Муҳаммад Юсуф шеъларининг бадиий-ғоявий юксаклиги ҳақида гапирдилар. Ижодкорлар, дўстлари шоир ҳақидаги хотираларини эсладилар, шеърларидан намуналар ўқилди. Барчанинг юз-кўзларида Ватан муҳаббатига лиммо-лим қалбдан тўкилган сатрлардаги ҳис-туйғуларга ҳамоҳанглик, ҳамнафаслик акс этарди. Айниқса, Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира Саломованинг хотиралари, айрим шеърларнинг ёзилиши билан боғлиқ хотиралар шарҳи йиғилганларни ҳаяжонга солди.

Ўлса ўзи ўлар,
Сўзи ўлмайди,
Ҳамиша барҳаёт асл шоирлар.
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар, —

деб ёзганди Муҳаммад Юсуф.

Сирдарё вилоятининг барча туманларида, ўқув даргоҳларида ўтаётган Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечалари унинг шеърияти, халқу Ватанга муҳаббатининг оташин овози юракларда мангу қолишининг яна бир исботидир.

Муҳтарама Муҳаммаджон қизи.

СУРАТДА: Шоирнинг умр йўлдоши Назира Саломова (ўртада) шеърият ихлосмандлари билан.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Фарғона вилояти ва Марғилон шаҳар ҳокимликлари

Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида 26-28 май кунлари Марғилон шаҳрида Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб, Ҳаваскорлик мақом ансамбллари ва катта ашула ижрочиларининг республика кўрик-танловини ўтказади.

Кўрик-танлов 26 май куни соат 10 да Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида бошланади.

Кўрик-танлов шартлари

Танловнинг дастлабки босқичи вилоятларда 2004 йилнинг март, апрель ойларида ўтказилади.

Вилоят босқичи ғолиблари Республика кўрик-танловида ўзаро ижодий беллашадилар.

Танлов иштирокчиларининг дастурлари қуйидаги йўналишларда бўлиши шарт:

Мақом жамоалари учун:

— Мақомнинг чолғу ва ашула йўлидаги ижрочилари учун

«Шашмақом»нинг "Мушкилот" бўлимидан «Тасниф» ва «Гардун» ҳамда «Муҳаммас» ва «Сақил» қисмлари (созандалар учун), Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Суворалар ҳамда Савт ва Мўғулчалар усулида (жамоа таркибидаги хонандалар учун);

— «Шашмақом»нинг «Мушкилот» бўлимидан икки қисмли асар «Сараҳбор тароналари» билан, «Сараҳбори наво» тароналари билан ёки йирик шаклдаги мақом йўлларидан Дугоҳ — 1,2,3,4,5 «Гулёр — Шаҳноз», «Феруз — 1,2,3,4»лар ижро этилиши мумкин. Ижро вақти — 20 дақиқа.

Катта ашула ижрочилари Фарғона йўлида якка ёки жўранавозликда мусиқачилар ансамбли жўрлигисиз ижро этишлари шарт. Ижро вақти — 5 дақиқа.

Ҳаваскор бадиий жамоа қатнашчиларининг сони 20 кишидан ортиб кетмаслиги керак. Созандалар ансамбли миллий халқ чолғу асбобларида жонли ижро этишлари ҳамда миллий саҳна либосларида бўлиш шарт. Европа замонавий электр мусиқа асбоблари ҳамда минидисклардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Фарғона вилояти "Марказий буюмлар бозори" Ҳиссадорлик жамиятининг 2003 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши 2004 йил 8 июнь куни соат 10да Фарғона шаҳри Баҳор кўчасида жойлашган жамият биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

1. **Жамият кузатув кенгаши раисининг йиллик ҳисоботи**
2. **Жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи**
3. **Жамият бухгалтерия балансини ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.**
4. **2003 йилда кўрилган фойда ёки зарарни тасдиқлаш.**
5. **Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.**
6. **Тафтиш комиссия таркибини сайлаш.**
7. **Бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисидаги шартномани яна 1 йилга узайтириш.**
8. **Ташкилий масалалар.**

Фарғона вилояти "Марказий буюмлар бозори" Ҳиссадорлик жамияти бўйича 2004 йил 1 январь ҳолатига баланс (минг сўм ҳисобида)

Актив:
Капитал қўйилмалар — 186056,0
Ишлаб чиқариш заҳиралари — 29511,4
Келгуси давр харажатлари — 1022,1
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар — 17532,7
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар — 26544,1
Жами — 260666,3

Пассив:
Устав фонди — 148800,0
Тақсимланмаган фойда ёки зарар — (— 4798,3)
Кредиторлар — 116664,6
Жами — 260666,3

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8447 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-625 Топширилди—21.00 3, А.